

ДОН СИФАТИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

доцент З.Д.Холмуродова, ассистент Г.Н.Утаева
Қарши мухандислик – иқтисодиёт институти

Аннотация: Кузги буғдойни суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ва дон сифати, ўғитлаш меъёрлари, тупроқни ишлаш ва бошқа омилларни таъсирида дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдорини ошириш буғдой етиштиришда, иқтисодий самарадорликка бевосита таъсир этишнинг ахамияти ўрганилган

Таянч сўзлар: ресурстежамкор, ҳосилдорлик, технология, деҳқончилик, маҳаллий, меъёр, назорат, вариант, маъдан ўғит, стандарт, оқсил, клейковина

Бу эса, ғаллачилик соҳасида мамлакатимизда замонавий илм-фан ютуқлари ва халқимизнинг қадимий деҳқончилик маданияти асосида ўзига хос агротехника мактаби шаклланиб, бугунги кунда ўзининг юксак самарасини бераётганлиги тақсинга сазавордир.

Бунда маҳаллий яратилган янги буғдой навларини ресурстежамкор ҳамда доннинг ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларини оширувчи технологияларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Шунинг учун сифатли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга яроқли буғдой донларини етиштириш лозим.

Буғдой ҳосилдорлигини ошириш давр талабларидан келиб чиқмоқда. Шу боис ҳам озиклантириш меъёрининг ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларини ўрганиш тадқиқотимизнинг асосий мақсади қилиб қўйдик.

Республикада етиштириладиган қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларининг салмоқли қисми республиканинг жануби-шарқий вилоятларида етиштирилади. Ушбу ҳудуднинг иқлим шароитларига кўра марказий қисми Қашқадарё вилояти Қарши чўли минтақаси ҳисобланганлиги боис буғдой навларининг ўғитлашга таъсирини ўрганиш бўйича тажрибаларимиз Қарши туманидаги Камалак фермер хўжалиги даласида олиб борилди.

Тадқиқотларимизда, юмшоқ буғдойнинг истиқболли навлари Андижон, Шовкат ва Фаровон навлари қўйидаги вариантларда

- 1) Назорат (ўғитсиз);
- 2) Н₉₀П₆₀К₃₀
- 3) Н₁₃₅П₇₅К₄₅
- 4) Н₁₈₀П₉₀К₆₀

кг/га вариантлар уч қайтариқлик асосида жойлаштирилди.

Тажрибалардан олинган натижаларга кўра ҳосилдорлик бўйича энг паст кўрсаткич барча навлар бўйича назорат (ўғитсиз) вариантда кузатилди. Тажрибада навларга ва қўлланилган маъдан ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда бошоқнинг узунлиги, 1 та бошоқдаги дон вазни ва донлар сони ҳам ўзгариб борди.

Маъдан ўғитлар Н₉₀П₆₀К₃₀ кг/га қўлланилганда Н₁₃₅П₇₅К₄₅ кг/га нисбатан стандарт Краснодар-99 навида ҳосилдорлик 11,1 ц/га, Барҳаёт навида 9,5 ц/га, Шовкат навида 10,9 ц/га, Фаровон 7,3 ц/га, ошганлиги аниқланди. Тадқиқот

натижаларининг кўрсатишича ўрганилган навлар азотли ўғитларга стандарт Краснодар-99 навиға нисбатан таъсирчанроқ эканлиги ҳам намоён бўлди. Аммо Н₁₈₀, П₉₀, К₆₀ озиклантирилган вариантга нисбатан эса бошқа вариантларда натижа паст бўлиши кузатилди. Бунда Краснодар-99 навиға 58,2 ц/га, Барҳаёт навиға 69,7 ц/га, Шовкат навиға 64,5 ц/га, Фаровон навиға 60,7 ц/га бўлди. Ушбу вариантда навлар ҳосилдорлиги ўртача назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан 31-50 ц/га, Н₉₀, П₆₀, К₃₀, Н₁₃₅, П₇₅, К₄₅ озиклантирилган вариантларга нисбатан эса 6-14 ц/гача паст бўлди.

Маҳаллий буғдой навларида ўғитлашга таъсирчанлигини ўрганиш тажрибасида буғдой навлари ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари

Т/Р	Вариантлар	Навлар номи	Дон ҳосилдорлиги, ц/га	Оқсил миқдори, %	Клейкови-на миқдори, %	Дон натураси, гр/л
1	Назорат (ўғитсиз)	Краснодар-99	22,2	12,8	20,7	764
2		Барҳаёт	25,1	12,5	20,4	755
3		Андижон	24,7	12,6	18,5	774
4		Фаровон	24,1	12,6	20,6	778
5	Н ₉₀ , П ₆₀ , К ₃₀	Краснодар-99	44	13,5	22,3	768
6		Барҳаёт	52	13,8	21,8	765
7		Шовкат	47,3	13,0	19,0	780
8		Фаровон	45,5	13,9	22,8	780
9	Н ₁₃₅ , П ₇₅ , К ₄₅	Краснодар-99	47,1	14,0	26,5	770
10		Барҳаёт	60,2	14,1	23,5	768
11		Шовкат	53,6	14,5	21,7	782
12		Крошка	53,4	14,4	24,4	788
13	Н ₁₈₀ , П ₉₀ , К ₆₀	Краснодар-99	58,2	14,5	27,7	782
14		Барҳаёт	69,7	14,9	25,4	775
15		Шовкат	64,5	14,8	24,8	786
16		Фаровон	60,7	15,0	25,0	790

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Ўрганилган кузги буғдой навлари Қашқадарё вилоятининг иссиқ, қуруқ иқлим шароитида стандарт Краснодар-99 навиға маъдан ўғитларга нисбатан таъсирчан эканлиги аниқланди. Маъдан ўғит меъёри Н₁₈₀П₆₀К₃₀ кг/га қўлланилганда Н₁₃₅П₆₀К₃₀кг/га нисбатан ҳосилдорлик Краснодар-99 навиға

ҳосилдорлик 11,1 ц/га, Барҳаёт навида 9,5 ц/га, Шовкат навида 10,9 ц/га, Фаровон 7,3 ц/га юқори бўлди. Кузги буғдой ўғитлаш шароитида етиштирилганда юқори ҳосил беришлиги маълум бўлди.

Республикада яратилган маҳаллий кузги юмшоқ буғдой навларнинг ўғитлашга таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини юқори бўлишида маъдан ўғитларнинг аҳамияти катта экан. Маъдан ўғитлар ўз навбатида тупроқ унумдорлигига ҳам таъсир қилар экан. Маҳаллий буғдойлардан 67-76 ц/гача ҳосил олишга эришиш мумкинлиги кўрсатди. Буғдойдан юқори ҳосил ва сифатли дон етиштиришда экиш меъёри 4,0 млн унувчан уруғ/га ва ўғит меъёри ва моддий ресурслар (азот) ни иқтисод қилиш мақсадида N_{180} , P_{90} , K_{60} кг/га қўллаш, ижобий самара бериш билан бир қаторда ғаллачиликда юқори иқтисодий рентабелликка эришишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тўраев А. Тўраев Р. Кузги буғдойни ўғитлаш ва суғориш меъёрлари. журнал. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, № 5, 2003, 34-35 б.
2. Халилов Н.С., Хўжакулов Т.Х., Мусаев Т.С. Кузги ғалла экинлари дон ҳосили етиштириш технологияси. Самарқанд-1997
3. Мирзаев О., Жумабоев З., Турсунов С. Маъдан ўғитларнинг кузги буғдой навлари ҳосилдорлиги ва уруғларнинг экиш сифатига таъсири. Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари (17-18 март). Тошкент –1998, 109-110 б.
4. Халилов Н. Бобомирзаев П.Х. Кузги буғдойни суғориш ва ўғитлашнинг илмий асослари. Тошкент :Фан, 2009.-200 б.
5. Сиддиқов Р. Нон сифатли бўлсин десангиз, // журнал. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. // № 4, 2004, 14-15 б.